



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

2018 йил “5” декабрь

№ 986

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4047-сонли  
қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4047-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик хузуридаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4047-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов)га:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тармоқ ташкилотлари ходимларини ихтисослашган олий таълим муассасаларидаги “Ипакчилик ва тутчилик” таълим йўналиши бўйича сиртқи бўлимларга белгиланадиган қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида тест синовларисиз қабул қилиш тартибини жорий этилиши бўйича тегишли чораларни кўриш вазифаси юклатилсин. Бунда олий таълим муассасаларига қабул:

ходимнинг умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا ва тармоқ ташкилотларида камида 3 йил амалий иш стажига эга бўлиши;

контракт тўлови тармоқ ташкилоти томонидан кафолатланган ҳолда амалга оширилиши ва ходим – битирувчининг ўқишни тамомлаганидан сўнг 5 йил давомида тармоқ ташкилотидида ишлаб бериши шарти билан амалга оширилиши назарда тутилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б.



О.Абдурахманов

380000